

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази**

**МЕДИАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЗИДДИЯТНИ
ҲАЛ ЭТИШ**



ТОШКЕНТ

УДК 347.965.42

Ш-19

Медиация жараёнида зиддиятни ҳал этиш: Рисола / тузувчилар Р.Р.Шакуров, М.М.Воҳидов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022. – 20 б.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгашида 2021 йил 21 июнь куни муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган (21-сонли баённома).

Такризчилар:

юридик фанлар номзоди, доцент Г.Алимов
доцент С.Марипова

Рисолада медиация жараёнида ҳал этиладиган зиддиятнинг тушунчаси, унинг асосий жиҳатлари, сабаблари ва тузилиши кўриб чиқилган, зиддиятдаги позиция ва манфаатлар тушунчаси ва аҳамияти, зиддиятнинг кучайиш эҳтимоли босқичлари таҳлил қилинган, зиддиятнинг айрим турлари келтирилган, зиддиятда одамлар хулқининг айрим хусусиятлари, уларнинг медиатор учун аҳамияти ёритилган.

Медиация бўйича малака оширувчи ўқув курси тингловчилари учун мўлжалланган.

© Р.Р.Шакуров, М.М.Воҳидов, 2022

© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022

КИРИШ

Мустақилликка эришган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди.

Аmmo, шунга қарамай, судларга юклатилган иш ҳажмининг катталиги, суд процессларининг узок вақтга чўзилиши, суд қарорларининг ижро этилмаслиги ва суд ҳаракатларига кетаётган катта харажатлар низоларни муқобил равишда ҳал қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқилишини тақозо этди.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда низоларни (зиддиятларни) ҳал қилишнинг энг самарали воситаларидан бири медиация муҳим роль ўйнайди.

Медиация зиддиятли томонларни “ҳамкорликка” айлантиради, дўстона муносабатларни тиклайди.

Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг усулларида бири сифатида зиддиятга хос хусусиятлар медиацияни амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, медиация назариясида ишлаб чиқилган зиддиятларни ҳал қилишнинг турли усуллари ва услублари медиатор учун медиатив келишувига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу рисола Ли Джей Берман (АҚШ), Л.В.Власова (Белорус Республикаси), Лунг Сенг Онн (Сингапур) каби хорижий мамлакатлар медиаторларининг ўқув материаллари ва медиаторлик амалиёти асосида тузилган.

ЗИДДИЯТ ТУШУНЧАСИ, ТАЪРИФИ, САБАБЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Зиддият – бу маиший, ишдаги ва жамоадаги ҳаётнинг кундалик муносабатларнинг табиий кўринишидир. Инсон ҳаётининг муҳим қисми у ёки бу тўқнашувларда ўтади. Зиддиятда тинглаш ва эшитиш, музокара олиб бориш қобилияти бузилади.

Ижтимоий нуқтаи назардан қарама-қаршиликнинг қуйидаги таърифи берилган. Зиддият – бу одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг нормал намоён бўлиши, бир-бирига мос келмайдиган қарашлар, позициялар ва манфаатлар тўқнашуви, ўзаро боғлиқ, аммо ўз мақсадларини кўзлаган ҳолда, икки ёки ундан ортиқ томонлар тўқнашувида ўзаро таъсир ўтказиш усули.

Медиация предметини ташкил этувчи зиддиятнинг қуйидаги асосий хусусиятларини ажратиш мумкин:

- 1) зиддият – бу жамият ҳаётининг табиатидан вужудга келган ижтимоий ҳодисадир. Зиддият одамларнинг ўзаро муносабатидаги одатий ижтимоий ҳодиса тарзида қабул қилиниши керак. Инсон сингари, жамият ҳам ўз моҳиятига кўра мутлақо мукамал, идеал, зиддиятсиз бўла олмайди. Дисгармония, зиддиятлар ва низолар ижтимоий ривожланишнинг доимий ва муқаррар таркибий қисмидир;
- 2) зиддият – бу онгли ва қасддан қилинадиган ҳаракат. Зиддият ўзаро таъсир ва муносабатлар жараёнининг қарама-қаршилиги, манфаатлар, мақсадлар хилма-хиллиги тўғрисида индивидуал даражадаги тушунча сифатида, мазмунли қарама-қаршилик сифатида намоён бўлади;
- 3) зиддият кенг тарқалган, ҳамма жойда мавжуд бўлган ҳодисадир. Зиддиятли вазиятлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида пайдо бўлади – иқтисодий ёки сиёсий. Кундалик ҳаётда, маданият ёки мафкура бўлсин зиддиятли вазиятларнинг рўй бериши муқаррар. Зиддият жамият ва инсон ривожланишининг ажралмас қисмидир. Зиддиятсизлик утопия. Америка Қўшма Штатлари, Япония ва Европа иттифоқи мамлакатларидаги медиация амалиёти қуйидаги зиддиятларни ҳал қилишда тан олинган: оилавий муносабатлардаги зиддиятлар, тижорат муносабатлардаги зиддиятлар, меҳнат муносабатлари билан боғлиқ зиддиятлар, муаллифлик ҳуқуқи бўйича муносабатлардаги зиддиятлар ва бошқа.;
- 4) зиддият – бу камида икки тарафнинг манфаатлари, қарашлари, позицияларининг тўқнашуви кўринишида юз берадиган ўзаро шахслар ёки

ижтимоий кучлар қарама-қаршиликдир. Зиддиятнинг юзага келиши натижасида қуйидагилар мавжуд бўлади:

- бошқа тараф ишларига аралашиб ёки таъсир кўрсатилиши сабабли, ҳаракатлар ҳамда қарама-қарши ҳаракатлар содир этилади;

- бошқа томонга маълум даражадаги зарар етказиш;

- қаршиликларни енгиб ўтишга ҳаракат қилиш;

- мақсадга эришишга халақит берадиган тўсиқларни яратиш;

Фаол қарама-қаршилик зиддиятни бошқа қуйидаги тўқнашувлардан ажратиб туради, масалан:

- муайян масала бўйича келишувнинг йўқлиги;

- турли жамоалар ва шахслар манфаатларининг қарама-қаршилик мавжудлиги;

- ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар ўртасидаги келишмовчиликлар;

- бирор нарса устидан рақобатдошлиги;

- қатъий рақобатнинг мавжудлиги.

5) зиддиятнинг яна бир муҳим хусусияти – бу уни башорат қилиш, тартибга солиш ва бошқарилиши мумкинлигидир.

Зиддиятнинг ушбу хусусияти медиатор иштирокида тарафлар ўртасида ўзаро мақбул ечимни топишга ёрдам беришидадир.

Зиддиятнинг сабаблари – бу зиддиятни келтириб чиқарувчи муаммолар, ҳодисалар, ижтимоий ўзаро муносабатлар субъектлари фаолияти жараёнида ривожланаётган эҳтиёжлар ҳисобланади.

Бунда, зиддиятли вазиятнинг сабаби сифатида, тарафлар ўртасидаги келиб чиққан (тасодифий ҳолат) тўқнашув бўлади.

Зиддиятлар қуйидагиларга кўра, таснифланиши мумкин:

- 1) ҳиссиётларнинг намоён бўлиши даражаси;

- 2) руҳий ҳис-туйғулар турлари;

- 3) зиддият предмети ва бошқ.

Хусусан, томонларнинг ҳиссиётлари намоён бўлиши даражасига қараб, зиддиятлар “иссиқ” ва “совуқ” зиддиятларга ажратилади.

“Иссиқ” зиддиятларда одамлар ғазабланиш, ғазаб намоёишлари, оғзаки тажовуз ва бир-бирларига ҳужумларда намоён бўлиши билан ажралиб туради.

“Иссиқ” зиддиятларда томонлар ўзларининг адолатли эканлигига амин бўлиб, бошқаларни бунга ишонтиришга интилади ва уларни можарода иштирок этишга мажбур қилишади. Улар ўзининг ҳақ эканлигига шубҳа қилмайди ва ўз ҳис-туйғуларини эркин ифода этадилар.

“Совуқ” зиддиятли одамлар ўзининг одобли ва ҳиссиётсиз хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради. Бу ҳолат, уларнинг позиция ва устувор манфаатларини аниқлашга тусқинлик қилади.

Амалиётчи медиаторларнинг орасида “иссиқ” зиддиятли томонларнинг асли манфаат ва устувор эҳтиёжларини осонроқ аниқлаш имкони бўлади деган фикр юритилмоқда. Масалан, ғазабдаги томонлар, ўз позициялари ва манфаатларини очик ва тўлиқ ифода этадилар.

Бу ўз навбатида, медиаторга зиддиятни самарали ва тезда ҳал қилишга ёрдам беради.

Ҳар қандай зиддиятли вазият руҳий зўриқиш билан боғлиқ бўлади. Зиддиятли вазиятларнинг таъсири остида томонларда қўйидаги руҳий ҳис-туйғулар вужудга келиши мумкин:

1) яхши – ижобий йўналишга эга ҳис-туйғулар. Яхши ҳис-туйғулар уларга мақсад йўлидаги тўсиқларни енгишга ёрдам беради;

2) ёмон – салбий ҳис-туйғулар. Ёмон ҳис-туйғулар одамни қийнайди, унинг кучи ва иродасини сусайтиради ҳамда қийин ҳаёт ҳақиқатлари олдида чекинишга мажбур қилади.

Масалан, салбий ҳис-туйғулар билан келган томонларни тинчлантириш мақсадида, медиатор “Яқуний қарорни фақат Сизларнинг ўзларингиз қабул қиласиз”, “Билингки, мен бу жараённинг охиригача Сизлар билан бирга бўламан” деб мурожаат этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Медиатор томонларнинг ҳис-туйғулари, уларнинг гапириш темпи, нутқ тезлиги ҳамда томонларнинг хулқ-атвори масалан, юз ифодаси, имо-ишоралари, қўл ва оёқларнинг ҳолати орқали аниқлаши мумкин бўлади (масалан, қўл билан столни ўриб-туриш, оёқ тиззасининг юқоридан-пастга бориб келиши).

Норозилик сезилганда, кейинги саволга ўтмасдан кўриб чиқиладиган масалани муҳокама қилишни давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунда, медиатор тарафларга “Сизни нимадир хафа қилди, мен Сизга бирон нарса таклиф қила оламанми?” деб айтиши мумкин бўлади;

Маълумки, ҳар бир инсон у ёки бу яхши фазилатларга эга: яхши ота, яхши она, яхши раҳбар, яхши ходим, ишини ва ишлаб чиқараётган маҳсулотини яхши курадиган ходим ва ҳ.к.

Бунда, медиаторнинг вазифаси онгли равишда ушбу ижобий фазилатларни медиация иштирокчиларида топиш ва зиддиятни ҳал қилишда ушбу фазилатлардан фойдаланишдир.

Шунинг учун, медиациядан олдин томонларни чуқур ўрганиш муҳимдир.

Бунинг учун томонлар билан алоҳида юзма-юз учрашиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда медиатор суҳбатдошини автоматизм даражасида гапиришга ундаши керак.

Медиация жараёнида зиддият предмети туридан қатъий назар, медиаторнинг асосий вазифаси – бу зиддиятнинг “чуқурлигини” аниқлаш ва томонларга тузиладиган келишув қай даражада аҳамиятга эга эканлигини етказишдир.

Медиация амалиётига кўра, зиддият предметини, жумладан, қўйидагилар ташкил этиши мумкин:

1) маблағлар билан боғлиқ зиддиятлар (масалан, пул, мол-мулк, товарлар ва бошқа моддий қимматликлар сабабли келиб чиққан зиддиятлар). Бу ерда медиатор, томонларнинг ушбу моддий ресурсларда аслида нимани қадрлашини аниқлаши керак бўлади.

Бу ўз навбатида, зиддиятнинг медиацияга мослиги ёки мос эмаслигини аниқлашга имкон беради. Масалан, медиацияга келган томонлардан бири, қатъиятлик билан ўз манфаатини талаб қиладиган бўлса, унда томонларга суд орқали масалани ҳал этиш лозимлиги бўйича тавсия бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

2) рухий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган зиддиятлар (масалан, ҳиссиётлар, паймол қилинган ҳис-туйғуларни ўз ичига олган зиддиятлар).

3) инсон қадриятлари ёки эътиқодига оид масалалар юзасидан келиб чиққан зиддиятлар (масалан, чуқур сингиб кетган қадриятлар ўртасидаги ёки маданиятлараро зиддиятлар). Бундай қадриятларни ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун, медиатор томонидан уларни ўзгартиришга ҳаракат қилиш ва ўзгаришга уриниш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бу ерда **роллари** алмаштириш усулидан фойдаланиш натижа бериши мумкин. Масалан, иккинчи томонга “Ўзингизни унинг ўрнига қўйинг” ёки “Унинг ўрнида бўлганингизда, қандай қилардингиз?” ва бошқалар.

Ушбу қайд этилган ҳар қайси ҳолатда медиаторнинг асосий вазифаси – бу зиддиятнинг “чуқурлигини” аниқлаш ва томонларга тузиладиган келишув қай даражада аҳамиятга эга эканлигини етказишдир.

ЗИДДИЯТДАГИ ПОЗИЦИЯ ВА МАНФААТЛАР

Зиддиятни ҳал этишда томонларнинг позиция ва манфаатларини тўғри аниқлаш медиаторнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Позиция – бу томонларнинг илгари сурган талаблари. Позиция, манфаат ёки қатор манфаатларга эришиш услубларидан бири ҳисобланади.

Манфаат – бу талаб асосида ётган сабаб. У томонларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларини ташкил этади. Хусусан, таниқли руҳшунос-олим А.Маслоу инсон учун аҳамиятлиги даражасига кўра, эҳтиёжларнинг қуйидаги кетма-кетлигини белгилайди:

- 1) инсоннинг физиологик эҳтиёжлари (озик-овқат, сув, уйқу);
- 2) ҳимояланганлик эҳтиёжлари (хавфсизлик, барқарорлик, ҳимояланганлик, иқтисодий ресурслар);
- 3) ижтимоий эҳтиёжлар (маънавий яқинлик ҳисси, муҳаббат, жинсий муносабатлар);
- 4) ҳурматга бўлган эҳтиёж (тан олинishi, мақомга эга бўлиш, обрў орттириш);
- 5) улғайишга интилиш эҳтиёжлари (комилликка интилиш, ўзини-ўзи ривожлантириш).

Медиатор позиция ва манфаатларни ажрата олиши керак.

Шуни ёдда тутиш керакки, позиция ортида доимо манфаат туради. Масалан, “Мен кўшнимнинг пианино чалишини тўхтатишини истайман” дейиши томоннинг позициясини (талабини) ташкил этса, “Мен дам олишим керак, чунки эрталаб ишга бораман” дейиши, унинг манфаатини (эҳтиёжи) ифодалайди.

Зиддиятни ҳал этишда медиаторнинг асосий вазифаси позицияларни эмас, томонларнинг манфаатларини аниқлашга қаратилиши керак. Томонларнинг зиддият предметиға оид манфаатлари аниқланмаган тақдирда медиатив келишувни амалға ошириб бўлмайди.

Медиация жараёнида қийинчиликлар қаторида, бу томонларнинг медиаторға ҳамма нарсани айтиб бермаслигидир. Шунинг учун, позиция ва манфаатларни аниқлаш мақсадида, медиатор томонлар билан алоҳида мулоқотға кириши мақсадға мувофиқдир.

Томонлардан керакли маълумотлар олинганда, медиатор уларни ёзиб олиши ҳамда медиация жараёнида томонларға берилиши мумкин саволларни олдиндан тайёрлаши мақсадға мувофиқдир. Бунда, кўпроқ маълумотларға эга бўлиш мақсадида, медиатор томонларнинг гапиришлари учун шароит яратиши ҳамда уларни диққат билан эшитиш керак бўлади.

ЗИДДИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Медиация амалиётида зиддиятларни ҳал қилишнинг турли усуллари ва қоидалари ишлаб чиқилган.

Кўпинча зиддиятни ҳал қилишда тўғри ташкил этилган музокараларнинг аҳамиятлиги таъкидланиб келади.

Медиация жараёнида зиддиятни ҳал этиш, қуйидаги музокаралар турларига асосланади:

- 1) томонларнинг позицияларига асосланган музокаралар;
- 2) тақсимлов музокаралар (ечими йўқ вазият юзага келганда);
- 3) қатъий (принципиал) музокаралар (томонларни позициялардан ажратиш ва эътиборини манфаатларга қаратиш);
- 4) томонларнинг манфаатларига асосланган музокаралар.

Медиаторнинг маҳорати, жумладан, яқка тартибда учрашувда ҳар бир тарафнинг манфаатини аниқлаши, тўғридан-тўғри тарафларнинг манфаатларига асосланган музокараларни амалга оширишга имкон яратади.


Музокаралар давомида, томонларнинг руҳий ҳолати медиация жараёнига оид вазиятларга таъсир этади.

Хусусан, томонларнинг салбий руҳий ҳолати, мавжуд зиддиятнинг кучайишига, шу жумладан, ечими йўқ вазиятни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, томонларнинг манфаатлари аниқланмаган тақдирда, зиддиятни ҳал қилиш томонларнинг позицияларига асосланган музокаралардан бошланади.

Позицияларга асосланган музокаралар

Вазият 1



Томонларнинг позицияларига асосланган музокаралари давомида тарафлар музокара олиб боради, бошқа томоннинг позициясини муҳокама қилади, ўз позицияларини илгари суради, иккинчи томоннинг позициясини ўзгартиришга уринади ва бошқ.

Қоидага кўра, ҳар қандай масала бўйича ҳар бир томон алоҳида позицияга эга. Масалан, бир томон иккинчи томоннинг мерос ҳуқуқига эга эмаслигини айтса, бошқа томон унга бундай ҳуқуққа тўлиқ эга эканлигини таъкидлайди. Бу битта масала бўйича турли хил позициялар.

Томонларнинг позицияларига асосланган музокараларда, медиаторнинг асосий вазифаси:

- томонлар ўртасида мулоқот учун шароит яратиш;
- зиддиятнинг кучайишини олдини олиш ҳисобланади.

Зиддият предметига оид тўлиқ маълумот олиш учун медиатор томонларга кўпроқ саволлар бериши керак бўлади (масалан, “Сизларга ёрдам беришим учун, менга ёрдам беринг”, “Иккинчи томонга нима таклиф қилишингиз мумкин?”, “Қайси доирадаги миқдорда пулга эга бўлмоқчисиз?”).

Мазкур жараёнда медиатор гапларини ёки саволларини ўйлаб айтиши ва бериши керак бўлади.


Чунки, масалан, “Сизларга нима десам экан?” ёки “Яна нима дейишим мумкин?” каби саволлар, томонларда медиаторга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолда, томонлар ташаббусни ўз қўлларига олиши, улар ўртасидаги зиддият эса кучайиши мумкин.

Агар иккала томон ҳам бошқа томоннинг муаммосини бир хилда кўришни истамаса, медиатор зиддиятни кучайишининг олдини олиш мақсадида, томонларга “Мен Сизларнинг баҳс-мунозараларингизда ижобий тараққиёт борлигини кўрмоқдаман”, “Келинг, ҳамкорликка қайтайлик”, “Сизлардан бошқа ҳеч ким ушбу зиддиятни ҳал қилинишига таъсир қилувчи фактлар ва омилларни билмайди”, “Якуний қарорни фақат Сизларнинг ўзингиз қабул қилишингиз мумкин”, “Билингки, мен бу жараённинг охиригача Сизлар билан бирга бўламан” ва шулар каби мақтов сўзлар билан мурожаат этиб, зиддиятдан чалғитиши мумкин бўлади.

Албатта, зиддиятнинг авж олиши (кучайиши) билан томонлар кўпинча ўз позицияларини мустаҳкамлайди ва ўз нуқтаи назарини бошқа томонга ўтказиш учун ўта кескин чораларни кўради.

Натижада, зиддиятнинг авж олиши (эскалация) ёхуд ечими йўқ каби вазият юзага келади.

Вазият 2



Зиддиятнинг авж олиши (эскалация) деган вазиятда, медиатор ҳолатни чигаллаштираётган томонларнинг позицияларини аниқ тушуниши керак бўлади.

Бу ерда, томонларнинг позицияларига ойдинлик киритиш учун, уларга масалан “Келинг берган таклифларингизни ўрганайлик” каби ва бошқа чалғитувчи саволлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, медиатор тўғридан-тўғри “Нима учун?”, “Нимага?” деган саволларни ҳамда “ҳа” ёки “йўқ” жавоб олинadиган саволни бермаслик лозим. Томонларга зиддият масаласи бўйича бошқа бир қатор истиқболларни таклиф қилиш ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Томонлар зиддиятли ҳолатдан чиқишни истамасалар ёки қўйиб юборишга тайёр бўлмасалар, улардан яна қандай истиқболларни хоҳлашларини сўраш аҳамиятлидир.


Унг Сенг Онн (Сингапур Медиация Маркази медиатори) фикрига кўра, медиация жараёнида қуйидаги шартларга риоя қилиш муҳим:

- тинглай олиш, гапирадиган томонни тўхтатмаслик;
- қўшимча маълумот олиш учун кўпроқ саволлар бериш;
- гапирадиган томоннинг кўзларига қараш;
- атрофга қарамаслик;
- бошқа ишларга чалғимаслик;
- телефонни ўчириб қўйиш;
- кўпроқ таклифлар бериш;
- томонларга ҳеч қачон қоидаларни ўрнатмаслик (қоидалар судьянинг болғасидир);
- мижозларнинг руҳий ҳолатларини кузатиб туриш ва бошқ.

Сўзсиз, медиатор томонидан ушбу шартларнинг бажарилмаслиги томонларнинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Шунга кўра, томонлар шунчаки ўрнидан туриб кетиб қолишлари мумкин.

Медиация ўтказиш жараёнида ўткир, санчиладиган (канцелярия пичоғи, ёки қайчилар) ва оғир нарсаларни (гулдон, сув графини, кулдон ва бошқ.) стол устидан олиб қўйиш томонлар етказиши мумкин бўлган жароҳатлардан ҳимояланиш учун медиаторнинг эшикка яқинроқ ўтириши тавсия этилади.

Агар зиддиятнинг авж олиши (эскалация) давом этса, зиддиятни ҳал қилиш эҳтимоли пасаяди ва навбатдаги ечими йўқ вазият юзага келади.



Медиация жараёнида ўта мураккаб ҳисобланадиган, ечими йўқ вазиятдан чиқиб кетишда тақсимлов музокараларга оид қоидалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тақсимлов музокаралар деганда, бу кетма-кет компромисс истиқболларни тақдим этиш орқали, томонларни тобора кўпроқ келишув истакларини рўёбга чиқариш музокара тури тушунилади.

Бу ерда медиаторнинг асосий мақсади зиддиятни юмшатиш ва ҳамкорлик учун қимматликларни яратишдир.

Бунинг учун зиддиятни ҳал қилишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш мумкин:

1) томонларнинг позицияларини илгари суришларидан чалғитиш, масалан, бошқа хонага кўчиб ўтишни таклиф этиш, чой, кофе ёки салқин ичимликлар таклиф этиш. Масалан, оилавий низоларда, томонлардан

уларнинг биринчи учрашуви тўғрисида, бир бирига берган биринчи совғаси ёки тўйлари ҳақида сўраш. Меҳнат муносабатларидаги низолар бўйича зиддиятларда, ходимдан ишхонасининг ёки иш фаолиятининг хусусиятлари, ишлаб чиқиладиган маҳсулотнинг аҳамияти ҳақида сўраш ҳам томонларни зиддиятдан чалғитишда аҳамиятлидир;

2) томонларга зиддият бўйича қарорни қабул қилиш сабабларини аниқлаштиришга ёрдам бериш.

Бу ерда медиатор томонларни ўзаро манфаатли таклифларини, қуйидагича рағбатлантириш ўринли бўлади:

- ”Бу яхши фикр”, “Яхши, келишувни самарали ўтишига яна қандай таклифлар беришингиз мумкин?”;

3) зиддиятдан чалғитиш мақсадида, муҳокамага томонларнинг позициялари орақсида турган манфаатларини киритиш.

Масалан, амалга оширилган тўловга кўра, етказиб берилмаган маҳсулот бўйича икки тadbиркор ўртасидаги зиддият ҳолатини юмшатиш мақсадида, томонлар эътиборини ушбу маҳсулотни етказиб беришга оид транспорт эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларга қаратиш.

*«Баъзан аҳмоқона қарор зиддиятни ҳал қилишда
энг самарали бўлиши мумкин»
Марк Аврелий*

Қуйидаги медиатив келишув амалиёти мисоли ибратлидир. Оркестр иштирокчилари ўртасида келиб чиққан зиддиятни медиатив келишув орқали ҳал этишни сўраб, медиатор Ли Джей Берманга, ушбу оркестрнинг дирижёри мурожаат этди.


Дирижёрнинг сўзларига кўра, - “оркестр аъзоларининг ҳар бири, ўзини бу оркестрда муҳимлигини, ва шу сабабли кўпроқ маош олиши кераклигини таъкидлаган”.

Ушбу зиддиятни ҳал қилиш учун медиатор бошқа нуфузли дирижёрни таклиф қилишни, юқори даражада концерт беришни ҳамда ўшанда оркестрнинг ҳар бир иштирокчисининг ролини аниқлашни таклиф қилди.

Узоқ тайёргарлик ва юқори савияда ўтказилган концерт натижасида оркестр аъзолари оркестрнинг ҳар бир иштирокчисининг роли муҳимлигини англадилар ва зиддиятга барҳам берилди.

Натижада, оркестр аъзолари бирлашдилар, ҳамкорлик қила бошладилар ва зиддият ҳал қилинди.

Томонларнинг манфаатларига оид айрим аниқликликлар киритилган тақдирда, медиаторга, томонларнинг манфаатларига асосланган музокараларга ўтиши учун қатъий (принципиал) музокаралар ёрдам бериши мумкин.



Қатъий (принципиал) музокаралар жараёнида, биринчидан, томонларни муаммодан ажратиш, иккинчидан, томонлар эътиборини уларнинг манфаатларига қаратиш, учинчидан, битта яқуний ечим топилишидан олдин улардан имкон қадар кўпроқ вариантлар таклиф этиш, тўртинчидан, томонларнинг қабул қилинадиган яқуний қарорлари объектив, яъни бажарилиши ҳақиқатга тўғри келишига ундаш.

Бунда томонларнинг манфаатларини бирлаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар (“Йўл харитаси”) аҳамиятлидир:

- 1) позицияларга эмас, манфаатларга эътибор беринг (“чизик остида юринг”);
- 2) манфаатларни аниқланг ва уларнинг устувориға томонлар эътиборини қаратинг;
- 3) томонларға зиддиятни ҳал қилиш учун бошқа томоннинг манфаатини ҳисобға олиши кераклигини тушунишиға ёрдам беринг;
- 4) икки томон учун қулай ва фойдали бўлган умумий манфаатни яратишға кўмаклашинг (зиддиятни ҳал қилишнинг иккала томон учун ҳам аҳамиятли бўлган бир неча истиқболли таклифлар беринг).

Ниҳоят, томонларнинг манфаатларини аниқланганидан сўнг, медиатор томонларнинг манфаатларига асосланган музокараларга ўтиши керак.

Томонларнинг манфаатларига асосланган музокараларда, медиаторга қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Позицияларга эътибор бермаслик;
2. Томонларнинг талаби (позицияси) остидаги устувор манфаатларни ажратиш;
3. Умумий манфаатларни топишга ҳаракат қилиш;
4. Томонларни ишонтиришга эмас, балки манфаатларини қондиришга эътибор қаратиш;

5. Ўзаро манфаатларга қаратилган таклифлар бериш;

6. Медиатор томонидан тақдим этилган ўзаро манфаатларга қаратилган бир неча таклифларни томонлар мустақил танлаш имконини яратиш ва бошқ. Бунда, томонлар ушбу таклифларни қабул қилишга мажбур эмасликларига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Шу боис, томонлар: "Бу қарорни мен ўзим қабул қилдим" деб, медиатордан кетиши муҳимдир.

Умумий манфаатлар аниқлаштирилгандан сўнг, томонлар ўзларининг асосий манфаатлари ўртасида зиддият йўқлигини англашлари мумкин. Бунда, иккала томон ҳам зиддиятнинг тугашини хоҳлашади, зиддият ечимига эришишни ва тезроқ медиатив келишувни расмийлаштиришни исташлари мумкин.

Шу жиҳатдан қуйидаги медиаторлик амалиёти қизиқиш уйғотади. Хусусий компьютер хизмати фирмаси раҳбари Беларусия Республикаси медиация ва музокаралар маркази медиатори Власова Лилия Владимировнага мурожаат қилди.

Фирма раҳбари сўзларига кўра, икки ходим ўртасида ушбу фирмада янги ташкил этилган бўлим бошлиғи лавозимига эгалик қилиш масаласи юзасидан низо келиб чиққан, натижада фирма жамоаси икки гуруҳга бўлинди, бу ўз навбатида фирманинг нормал фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Баҳслашаётган ходимлар билан учрашган Л.В.Власова уларнинг кўп йиллик дўст бўлганлигини, бир институтда бирга ўқиганлигини аниқлади.

Бундан ташқари, томонлар билан алоҳида суҳбат чоғида, улардан бири оиласи билан ижара қилинган хонадонда яшаётганлигини, моддий қийналганлигини ва шу боис, қўшимча маошга муҳтожлигини, иккинчи томон эса, моддий таъминланганлигини, аммо, у бир йил ичида мазкур компьютер хизмати фирмасида бўлим бошлиғи лавозимда ишлаб тавсифнома

олиши кераклиги ва АҚШ давлатидаги фирмалардан бирига юқори лавозимга эгалик қилмоқчи эканлиги маълум бўлди.

Алоҳида суҳбатда, медиаторнинг томонларга, иккаласида ҳам дўстлик ришталарини сақлаб қолиш истаги борлигини, уларнинг позицияга (лавозим) нисбатан манфаатларининг мазмунини етказиши натижасида молиявий таъминланган томон, бўлим бошлиғи лавозимида эгалик қилиш учун, иккинчи томонга бир йил ичида мазкур лавозим учун бериладиган қўшимча пул миқдорини беришни таклиф этди.

Мазкур мисол, зиддиятни муваффақиятли ҳал этишнинг намунасидир.

Бу ерда, томонларнинг позицияси сифатида лавозим бўлса, томонларнинг манфаатлари сифатида, бир томоннинг ўзини ривожлантириш, иккинчи томоннинг моддий ёрдамга эҳтиёж ҳисобланади.

“Биз эшитадиган нарса бу ҳақиқат эмас, балки фикр. Биз кўрган ҳамма нарса ҳақиқат эмас, балки истиқболдир”

Марк Аврелий

Маълумки, ҳар бир инсон бир хил фактга қараб, вазиятни ўзига хос тарзда қабул қилиши мумкин.

Медиатор иккала томоннинг нуқтаи назарини ҳам тўлиқ англаб етиши, аммо шу билан бирга, масалага бир томоннинг нуқтаи назаридан қарамаслиги керак.

Шу сабабли, зиддиятни ҳал этишда медиаторнинг вазифаси нейтралликка эришишдир. Ушбу хусусияти медиацияни одил судловдан фарқлайди. Шу билан бирга, медиатор учун нафақат зиддиятнинг ўзини, балки унинг сабабларини ҳам аниқлаши лозим.

Бундай ҳолатда, нейтралликка эришиш учун медиатор томонларга ўзаро манфаатли таклифларни бериши мумкин.

Бу ерда томонлар, зиддиятни ҳал этишга оид медиаторнинг таклифлари уларнинг манфаатларига жавоб беришини тушуниб, ушбу вариантлардан бирини ихтиёрий равишда қабул қилишлари мумкин. Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилганидек, томонлар қарорни ўзлари мустақил қабул қилаётганликларини англашлари керак.

Ниҳоят, томонларнинг қабул қилган икки томонлама манфаатли қарорлари қатъий эканлигини аниқлаган медиатор, медиация келишувини тузиш таклифини бериши мумкин бўлади.

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Норматив-ҳуқуқий актлар:

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482 “Медиация тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 54-мҳ-сонли “Медиаторларни тайёрлаш дастурини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

Адабиётлар:

Маврин О.В. Технологии урегулирования конфликтов (медиация как эффективный метод разрешения конфликтов). – Казань. 2014. – 96 с.

Психология конфликта. Компендиум кейсов: учеб. пособие / под ред. Т. И. Короткиной. — СПб: СПбГУП, 2016. — 116 с.

Веб-сайт манбалари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.mijust.uz

Медиация - разрешение конфликтов, урегулирование споров: подход, ориентированный на решение проблем // Информационный канал Subscribe.Ru, URL: <https://subscribe.ru/archive/law.mediacia/201007/22121415.html>.

Медиация - разрешение конфликтов, урегулирование споров: фасилитативная медиация // Информационный канал Subscribe.Ru, URL: <https://subscribe.ru/archive/law.mediacia/201008/26000546.html>.

Медиация - разрешение конфликтов, урегулирование споров: экосистемная медиация // Информационный канал Subscribe.Ru, URL: <https://subscribe.ru/archive/law.mediacia/201008/05132508.html>.

Отахонов Ф. Медиация: тушунчаси, мақсади ва принциплари // <https://chamber.uz/uzk/news/6753>

5 стратегий поведения в конфликтной ситуации // <https://xn----7sb4abld2ae.xn--p1ai/student/zdorovesbeegayushchaya-sreda/psikhologicheskaya-pomosh/5-strategiy-povedeniya-v-konfliktnoy-situatsii/>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Зиддият тушунчаси, таърифи, сабаблари ва турлари	4
Зиддиятдаги позиция ва манфаатлар	8
Зиддият ривожланишининг босқичлари	9
Тавсия этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётлар	17

Тузувчилар:
Шакуров Рафик Равильевич
Вохидов Маҳкам Мубинович

**Медиация жараёнида зиддиятни
ҳал этиш**

Рисола

Муҳаррир:

Босишга рухсат этилди. 2022.
Нашриёт-ҳисоб табағи . Адади. Буюртма № .
Босмахонасида чоп этилди.